

Тафрижия салавати (салоти нория)



11:28 / 11.08.2025 1599

هَبْ لِحَنْتِ يَدَّيْهِ دَمْعًا مَحْمُومًا أَنْ دِيَّيْ سَيَلَعِ أَمَاتٍ أَمَّالٍ سَمَّ لَسَّ وَهَلْمَاكَ عَوَلَصَ لَصَّ مُمَّهَلًا
نُسُوحًا وَبُيُوتًا عَرَّلًا هَبْ لَانُتَ وَجُجَاءَ أَوْحَلًا هَبْ يَصُفُّتَ وَبَرْكُلًا هَبْ جُرْفُنْتَ وَدَقُّعًا
وَهَلْمَلًا لِكَيْ يَفِدَ هَبْ حَصَوَهَا لَعَلَّ عَوَمِي رَكَّلًا هَبْ جَوْبُ مَمَّعَلًا يَقْسَتُ سَيْ وَمَتَا أَوْحَلًا
كَلِّمْ مَوْلَعًا مَلِّكُ دَدَعَبِ سَفَنَ

**Аллоҳумма солли солатан камилатан, васаллим саламан тамман
ъала саййидина Муҳаммадиниллазий танҳаллу биҳил ъуқоду ва
танфарижу биҳил куробу ва туқзо биҳил ҳаваижу ва туналу биҳир-
роғоибу ва ҳуснул-хавотими ва йустасқол-ғамому би- ваҳҳиҳил
карийми, ва ъала алиҳи ва соҳбиҳи фи кулли ламҳатин ва нафасин
би ъадади кулли маълумин лак.**

Маъноси: Аллоҳим, ҳазрати Муҳаммадга ва ул зотнинг оилалари (аҳли)га
ҳар нафас ва ҳар лаҳзада Ўзингга маълум бўлган саноклар миқдорича

комил салавот ва мукаммал салом юборгин, чунки ул зотнинг воситасида (ҳар қандай) тугунлар ечилади, қийинчиликлар кетади, машаққатлар бартараф бўлади, ҳожатлар раво бўлади, орзуларга ва яхши-гўзал оқибатларга эришилади ҳамда ул зотнинг гўзал-карамли юзлари ҳурматидан ёмғирлар сўралади. («Ал-адъийатул-воридату фил-аятил каримати вал аҳодисиш шарифах», 64-с).

Бу салавотни ҳар бир намоз ортидан ўн бир марта ўқилади. Бирор ҳожат ёки мушкулотнинг ҳал бўлиши учун аввал 114 марта Фотиҳа сураси ўқилиб, кейин бу салавот мукаммал 4444 (тўрт минг тўрт юз қирқ тўрт) марта ўқилса, ортидан Анфол сурасининг 60-64-оятлари тиловат қилинса, муродга эришилиши тажрибаларда синалган. Ушбу салавот «Ас-сиятул комила» ёки тез ижобат бўлгани учун «Ан-нория» деб номланган.

Бир ривоятга кўра, Саййид Аҳмад ат-Тозийга нисбатан «Ат-Тозия» ёки «Ат-Тафрижийя» деб ҳам аталади.

Имом Қуртубий айтадилар: «Кимки бу салавотни ҳар куни қирқ бир марта ёки юз марта ёки ундан зиёда ўқиса, Аллоҳ таоло унинг ғам-ташвишларини аритади ва қийинчиликларини кетказди, ишларини енгиллаштиради, қалбини нурга тўлдиради, мартабасини кўтаради, ҳолатини чиройли қилади, ризқини кенг қилади, унга яхшилик эшикларини очиб қўяди, сўзини ўтадиган қилиб қўяди, замоннинг турли ҳодисаларидан ва оч-фақирлик фалокатларидан омонда сақлайди ва бундан бошқа фазилатлар билан сийлайди».

«Энг гўзал салавотлар» рисоласидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрь 03-07/6661-сонли хулосаси асосида чоп этилган.